

## VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАР


2019 йилнинг январь-июнь ойларида ташқи савдо айланмаси 2 249,4 млн. АҚШ долларини ўсиш суръати 139,2 %, жумладан 940,6 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 151,4 %, 1 308,8 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 131,6 % ташкил этди.

### 2019 йилнинг январь-июнь ойларида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн АҚШ dollari)


	<i>январь-июнь</i>		<i>2018 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида</i>
	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>1 616,1</b>	<b>2 249,4</b>	<b>139,2</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	686,5	987,4	143,8
бошқа давлатлар	929,6	1 262,0	135,7
<b>Экспорт</b>	<b>621,5</b>	<b>940,6</b>	<b>151,4</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	168,7	290,8	172,4
бошқа давлатлар	452,8	649,8	143,5
<b>Импорт</b>	<b>994,6</b>	<b>1 308,8</b>	<b>131,6</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	517,7	696,6	134,5
бошқа давлатлар	476,9	612,2	128,4

**Вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ  
ва бошқа давлатларнинг улуши, %да**

**2018 йил январь-июнь**



**2019 йил январь-июнь**




**2019 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби**

	<i>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>		<i>Ҳажмидаги ўзгариш, % ҳисобида</i>
	<i>2018 йил январь-июнь</i>	<i>2019 йил январь-июнь</i>	<i>2018 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида</i>
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>181,6</b>
пахта толаси	5,5	11,5	3,2м
озик-овқат маҳсулотлари	11,2	9,3	125,7
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	3,4	1,5	66,2
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,0	0,0	0,0
қора ва рангли металллар	61,6	60,8	149,3
машина ва ускуналар	1,6	2,3	2,2м
хизматлар	0,9	0,6	111,8
бошқалар	15,9	14,0	133,7
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>145,5</b>
озик-овқат маҳсулотлари	7,8	16,8	2,9м
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	6,5	7,8	158,0
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	1,6	1,3	107,5
қора ва рангли металллар	19,1	15,5	106,7
машина ва ускуналар	43,1	31,7	96,7
хизматлар	7,3	1,2	21,1
бошқалар	14,6	25,7	2,3м



Экспорт таркибида товарлар 99,4 % улушига эга бўлиб, булар асосан қора ва рангли металллар (60,8 %), бошқа турдаги товарлар (14,0 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (9,3 %), пахта толаси (11,5 %), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (1,5 %), машина ва ускуналар (2,3 %), шунингдек, хизматлар (0,6 %) гуруҳлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

### Товар ва хизматлар экспорти таркиби (млн.АҚШ доллари)

2018 йил  
январь-июнь




2019 йил  
январь-июнь



Импорт таркибида энг катта улуш машина ва асбоб ускуналар (31,7%), озиқ-овқат маҳсулотлари (16,8 %), қора ва рангли металллар (15,5 %), ҳамда бошқа маҳсулотлар (25,7 %) гуруҳлари ҳисобига тўғри келди.

## Товар ва хизматлар импорти таркиби (млн.АҚШ доллари)



### 2019 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси


	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, % ҳисобида</i>	<i>2018 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида</i>
Қозғистон	20,1	2,2м
Россия	17,5	87,3
Хитой	17,4	189,6
Туркия	17,3	111,7
Корея Республикаси	4,1	151,0
БАА	1,9	9,4м
Германия	1,7	189,2
Тожикистон	1,6	81,7

	<i>Виложат товар айланмасида улуши, % ҳисобида</i>	<i>2018 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида</i>
Қирғизистон	1,6	2,7м
Бразилия	1,5	531,2м
Литва	1,4	195,0
Афғонистон	1,4	45,3
Украина	1,4	88,4
Беларусия	1,3	63,1
Буюк Британия Қироллиги	1,2	8м
Италия	1,1	4,5м
Нидерландия	0,7	63,0
Эрон Ислом Республикаси	0,6	50,6
Ҳиндистон	0,6	2,8м
Малайзия	0,5	8,9м
Латвия	0,5	98,1
Сингапур	0,4	31,6
Туркменистон	0,4	2,6м
Полша	0,4	36,8
Грузия	0,3	122,9
Эквадор	0,2	6,2м
Австрия	0,2	2,0м

Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Қозоғистон, Россия, Туркия ва Хитой Халқ Республикаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 72,3 % ини ташкил қилади. Қозоғистон, Россия, Туркия ва Хитой Халқ Республикасига экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.


**2019 йил январь-июнь ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби %да**

### Экспорт



■ МДХ ■ Бошқа хориж давлатлари

### Импорт




■ МДХ ■ Бошқа хориж давлатлари

Вилоятда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2019 йил январь-июнь ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 42,5 % ни ташкил этди ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,5 % га ошди.

Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2019 йилнинг январь-июнь ойларида 57,5 % ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 55,8 % га тенг еди.


**Тошкент вилоятининг кичик бизнес корхоналарининг  
ташқи савдо айланмаси  
(млн. АҚШ доллари)**



Сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификатсия қилиниши, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида вилоят ташқи савдо айланмасида кичик бизнес корхоналарининг улуши ошиб бормоқда.



**Хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган корхоналарнинг  
худудлар бўйича тақсимланиши  
(2019 йил 1 июль ҳолатига)**



Хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган корхоналар 2019 йил 1 июль ҳолатига таҳлил қилинганда вилоятда жами 1106 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан Зангиота (156 та), Қибрай (117 та), Юқоричирчик (87 та) туманларида, Ангрен (87 та), Чирчиқ шаҳарларида (75 та), Тошкент (74 та), Янгийўл (65 та) Ўртачирчик туманларида (62та), Янгийўл шаҳрида (60 та), Охангарон (57 та), Бўстонлик туманларида (41 та), Охангарон (37 та), Нурафшон (36 та), Олмалиқ шаҳарларида (34та), Куйичирчик (23 та), Паркент (20 та), Чиноз туманларида (20 та), Бекобод шаҳрида (15 та), Пискент (14 та), Оққўрғон (10 та), Бекобод (9 та) ва Бўка туманларида (7 та) хорижий капитал иштирокидаги корхоналар рўйхатга олинган.

## Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

2019 йилнинг январь-июнь ойларида жами 62,4 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 66,3 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати – 50,7%га ошган). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2019 йилнинг январь-июнь ойларида 50,7 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 34,7млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,1 минг тоннага кўп миқдорда экспорт қилинган.

Шунингдек, 9,6 минг тонна мева ва резаворлар 23,4 млн. АҚШ долларига экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,7 минг тоннага камроқдир.

### Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

(январь-июнь 2019 й.)



Шуни айтиб ўтиш жоизки, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва мевалар экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг январь-июнь ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 58,2 млн.АҚШ долларига етди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 42,3 %га ошган).